

PhD, доц. Жахонгир Турсунов, Муножат Сайдуллаева

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ЎРТАЧА УМР КЎРИШ ЁШИНИНГ ОШИШИ ШАРОИТИДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада пенсия тизими ислохотларининг аҳоли умр кўриш даражаси узайиши таъсирига оид саволлар, тизимлар барқарорлиги, авлодлар бирдамлиги, пенсиядаги тенглик каби вазифалар уйғунлашуви мураккаблиги кўриб чиқилган. Кексалар учун тиббий хизматларга, айниқса, узок муддатли муолажаларга сарф харажатларнинг ошиб бориши, давлатнинг ёрдамсиз мазкур харажатларни қоплаш имкони пасайиб бораётганлиги баён этилган. Шунингдек, ўртача умр кўриш ёшининг ўсиши билан кексаларнинг ижтимоий таъминоти ва хавфсизлигининг таъминланиши асосий омил эканлиги хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар. пенсия тизимлари, инсон капитали, умр кўриш давомийлиги, фаол кексалик, узок муддатга мўлжалланган хизмат кўрсатиш, актуар адолат.

REFORMS IN THE PENSION SYSTEM IN THE GROWTH OF AVERAGE LIFE EXPECTANCY

Abstract. This article discusses issues related to the impact of the reform of the pension system on increasing life expectancy, the stability of systems, the unity of generations, the difficulty of coordinating tasks, such as equality in pensions. It is stated that the costs of medical services for the elderly, especially for long-term treatment, are increasing, and the possibility of covering these costs without state assistance is decreasing. Also, with an increase in average life expectancy, the main factor is the provision of social support and protection for the elderly.

Key words. pension systems, human capital, life expectancy, active aging, long-term care, actuarial justice.

Кириш

Бугунги кунда аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар, меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбатан кексаларнинг улуши ошиб бораётганлиги турли даражада иқтисодий-ижтимоий ривожланган дунё мамлакатларининг катта қисмини қамраб олмоқда. Ҳозирда “кекса” давлатлар гуруҳига (65 ёш ва ундан кекса фуқаролар аҳоли улушининг 14 фоиздан ортиғини ташкил этаётган) 54 та давлат, қариётган (65 ёшдан кекса одамлар аҳоли улушининг

7-14 фоизгача ташкил этган) давлатлар эса 42 та бўлиб, 2950-йилга келиб, биринчи гуруҳдаги давлатлар сони 111 та, иккинчи гуруҳдаги давлатлар сони 36 га (дунё аҳолисининг 87 фоизи) етиши кутилмоқда. Ушбу жараёнларнинг кўлами ва тезлиги эса кексаларнинг таъминоти (пенсия, ижтимоий нафақалар, тиббий харажатлар ва бошқа ижтимоий таъминот харажатлари) билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Демографик ўзгаришлар, жумладан ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бориши Ўзбекистонда ҳам пенсия таъминоти тизимида доимий равишда ислохотлар олиб борилишини тақозо этади. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “54 мақсад – пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, бунда фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш вазифаси белгилаб қуйилган”(ПФ-60, 2022).

“Пенсия таъминоти тизими меҳнатга лаёқатсиз ва кам таъминланган фуқароларни турмуш даражасини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий характерга эга бўлган қатор чора-тадбирлар комплексини амалга оширилишини назарда тутати” (Турсунов, 2022). Шундай экан, демографик ўзгаришлар шароитида, жумладан ўртача умр кўриш ёшининг ўзгариши натижасида келажақда пенсия тизимига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ҳақида мазкур мақолада кўриб чиқамиз.

Адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда пенсия таъминоти тизимида ислохотларнинг нечоғлиқ зарур эканлиги борасида кўплаб халқаро ташкилотлар, олимлар тадқиқотлар натижасида ўз фикр-мулоҳазаларини келтиришмоқда.

“Г.Тетлоу (2015) ўзининг пенсия таъминоти бўйича тадқиқотида бугунги кунда пенсия тизимида ислохотлар нечоғлиқ зарур эканлигини, бунда пенсияга тўланадиган ўтказмаларни миқдорларини ошириш, кўпроқ нодавлат пенсия фондлари фаолиятига эътибор қаратиш кераклигини таъкидлаган”.

“А.Борш-Супан (2018) Европа мамлакатларида пенсия тизимини (хусусий, бирдамлик пенсия тизими) ислох қилишнинг асосий муаммоларини қилинаётган харажат ва аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг ўсиши нуктаи назардан кўриб чиққан”.

“Иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти лауреати Р.Диамонд (2011) пенсия тизимини яратишдаги турли хил ёндашувларнинг меҳнат бозорига, жамғармаларга ва иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилган. Ўзининг

“Иқтисодий назария, солиқ ва пенсия сиёсати” номли тадқиқотида мажбурий пенсия суғуртасини чуқур таҳлил қилган”.

“Ш.Ражабов (2021) ўзининг докторлик диссертация ишида эса нодавлат пенсия жамғармаларининг назарий ва ташкилий асослари ўрганиш орқали Ўзбекистонда жорий этиш масалаларини кўриб чиққан”.

Ижтимоий таъминот – “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948) ва “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” (1966) каби халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган асосий инсон ҳуқуқи сифатида қаралади ҳамда қонунда белгиланган энг кам пенсия ёшига етган меҳнат лаёқатини қисман ёки тўлиқ йўқотган кексаларга пенсия кўринишида тўлов (даромад)ларни мунтазам олиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақола ўртача умр кўриш ёшининг ўзгариши натижасида пенсия тизимида ислохотлар амалга ошириш масаласи ёритилган бўлиб, бунда соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Илмий тадқиқот давомида аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Аҳоли ёш таркибининг кескин ўзгариши, бунда кекса ёшдагиларнинг улуши йилдан-йилга ортиб бориш тенденцияси ҳар бир давлатда турли даража ва суръатларда бўлса-да, меҳнат бозори, тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, давлат молиявий ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларга тақсимланишида сезиларли асоратлар кечмоқда. “Ҳозирда дунёда ўртача умр кўриш ёши 1990 йилдаги 65,4 ёшдан 2022 йилда 72,7 ёшга етди ва сўнгги йиллардаги тадқиқотларга кўра 2050 йилга бориб 76,7 ёшга етади” (macrotrnds, 2022). “Европа ва шимолий Америкада эса бу кўрсаткич 78 ёшдан ошди, умумий аҳолининг ўртача ёши мос равишда 42 ва 35 ёшни ташкил қилмоқда. Сўнгги 10-15 йил ичида меҳнат бозорида 55 ёш ва ундан юқори бўлган аҳоли қатлами улуши сезиларли тарзда ошди. Америка, Осиё, Тинч Океани ва Европа ҳудудларида уларнинг улуши умумий иш кучининг 15-17 фоизини ташкил этган” (Pension at a glance, 2021).

“Мазкур демографик ўзгаришлар аксарият ривожланган давлатларда жамиятдаги ёшлар ҳолатининг ёмонлашуви, авлодлар бирдамлигининг бузилиши, яратилган маҳсулот ва хизматларнинг жамиятнинг нофаол қисмига кўпроқ тақсимланиши натижасида юзага келган “демографик инқироз” ўрнига нисбатан мувофиқлаштирилган ёндашувлар қўлланилмоқда”

(Whitehouse, 2006). Янги ёндашув стандартлари кексаларни бандлигини ҳақ тўланадиган ёки ҳақ тўланмайдиган бўлишига, кексаларнинг яхши яшашлари учун шароитларни яратилиш, уларнинг сифатли тиббий хизматдан ўз вақтида фойдалана олиш имкониятини ошириш, шунингдек, кексаларнинг солиқ ва бошқа турдаги тўловларни амалга оширишдаги улушини ошириш (ривожланган давлатларда умумий солиқ тўловчиларга нисбатан уларнинг улуши 30-50 фоизни ташкил этмоқда), қариялар эҳтиёжларини давлат ҳисобидан эмас, аксинча, уларни ўзларининг жамғарилган активлари ёки даромадлари ҳисобидан амалга оширишларини таъминлашдан иборатдир.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳоли таркибида кексаларнинг улуши умумий аҳолига нисбатан юқори эканлигидан ташқари, уларнинг эҳтиёжлари таркиби ва ҳажми ҳам турличадир. Жумладан, аҳоли жон бошига нисбатини кўрадиган бўлсак, “Швецияда 65 ёшга етган фуқаронинг эҳтиёжлари учун харажати, тиббий хизматлар, шунингдек, узоқ муддатли тиббий парваришни кўшиб ҳисоблаганда 30-49 ёшдаги аҳоли ўртача ойлик даромадининг 50 фоизига тенгдир. 80 ёшга етган шведларда эса бу кўрсаткич 80 фоизгача етади, 90 ёшда эса 130 фоизни ташкил этади. Шунингдек, 85 ёшдан ошган кексаларнинг эҳтиёжлари учун сарфланадиган маблағларнинг аҳоли жон бошига нисбатан энг юқори кўрсаткичи ҳозирда АҚШ, Япония ва Финляндияда қайд этилган. Ривожланаётган давлатларда эса аҳоли ёш гуруҳларининг аҳоли жон бошига нисбатан даромадлар улушида сезиларли фарқ кузатилмайди. Хитойда аҳоли жон бошига истеъмол даромадининг энг юқори улуши 30-49 ёшдаги ишчилар орасида бўлиб (60 фоиз), 25 ёшгача бўлган ёшлар орасида эса аҳоли жон бошига истеъмол харажатлари ҳам юқоридир. Бошқа ёш гуруҳлари, жумладан, кекса ёш қатламининг ҳам эҳтиёж харажатлари ушбу базавий кўрсаткичнинг 30-35 фоизини ташкил этади. Уругвай ва Жанубий Кореяда ҳам юқоридаги кўрсаткичлар қайд этилган” (Cylus, Figuera, Normand, 2019).

65 ёш ва ундан юқори ёшдаги фуқаролар харажатларининг иқтисодий таъминот манбалари тизими ҳатто ижтимоий - иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бир-бирига яқин, аммо турли моделларга асосланган ижтимоий таъминот ва суғурта тизими мавжуд мамлакатларда ҳам турличадир. “Австрия мисолида кўришимиз мумкинки, классик тақсимотга асосланган пенсия тизимида 85 фоиз харажатларни давлат трансфертлари, 10 фоизини хусусий жамғармалар ва 5 фоизини бандликдан келган даромад ташкил этади. Швецияда эса ижтимоий трансфертлар улуши 90 фоиздан ошди, Германияда эса трансфертлар 58 фоизни ташкил этиб, пенсионернинг ўзига тегишли жамғармалар 40 фоизга тенг. Буюк Британияда ушбу икки асосий даромад манбаи мос равишда 45 фоиз ва 50 фоизни ташкил қилса,

ғарбий Европа давлатларида бандлик улуши 2-3 фоизга тенг. Иқтисодий ривожланган давлатларда (Хитой, Жанубий Корея, Лотин Америкаси давлатлари) ижтимоий давла харажатларининг 50 фоизи давлат трансфертларидан қопланади” (Cylus, Figuera, Normand, 2019).

Давлат трансфертлари учун ажратиладиган маблағлар тегишли солиқ тушумларидан амалга оширилади. Кўпгин давлатларда пенсионерлар учун даромад солиғи ундирилади ва улар учун махсус имтиёзли қоидалар қўлланилади. “ИХТТ доирасидаги 10 та давлатда пенсионерлардан ундириладиган даромад солиғи миқдори ишловчи фуқароларники билан бир хил, ғарбий Европадаги қатор давлатларда эса (Дания, Швеция, Исландия) пенсия солиқ тўлови ишловчилар тўлайдиган даромад солиғидан юқоридир. Шу билан бир қаторда пенсионерлардан солиқ ундириш бутунлай бекор қилинган ҳолатлар ҳам мавжуд. Кўп ҳолларда солиқ имтиёзлари суғурта бадалларига ҳам жорий этилади, одатда пенсионерлар пенсия бадалларини тўламайдилар ва ишсизлик суғуртасида иштирок этмайдилар, лекин тиббий суғуртада қатнашадилар. Қатор давлатларда эса пенсионерлар маълум бир ижтимоий мақсадларга мўлжалланган “бирдамлик” тизимини молиялаштиришда иштирок этадилар. Ўртача ҳисобда ИХТТ давлатларида тўлиқ суғурта стажи билан пенсияга чиққан пенсионерлар даромадининг 10 фоизини тўғри солиқлар кўринишида тўлайдилар. Ўртача ойлик иш ҳақи олиб ишловчи фуқаролар учун солиқ ва тўловлар ойлик иш ҳақининг 26 фоизини ташкил этади” (Pension at a glance, 2021).

Пенсия тизимининг молиявий ҳолати ёки барқарорлигини баҳолашда қамров коэффиценти, босим коэффиценти, қоплаш коэффиценти каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Мазкур кўрсаткичлар бир томондан пенсия тўловлари аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаласа, бошқа томондан пенсия тизимининг молиявий ҳолати ҳақида ахборот беради.

Пенсия тизими таҳлилида, унинг амалдаги ҳолатига баҳо беришда пенсия таъминотида аҳолининг иштироки даражаси муҳим кўрсаткичдир. Биламизки, аҳолининг бирдамлашган пенсия тизими барқарор бўлишида унда иштирок этувчилар сони ва даражасига этибор қаратилади, пенсия тизимлари томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоянинг самарадорлигини белгилаш имконини беради. Ишловчиларнинг яъни пенсия тизимига қамраб олинганларнинг улуши кам ва пенсияга чиқувчиларнинг сони ва тезлиги борган сари ортиб бориши натижасида молиявий маблағларни пенсия таъминотининг “авлодлар бирдамлиги” принциплари асосида тақсимланиши адолатли ва самарадорлик асосида амалга оширилмаётгани кузатилмоқда. “Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига

кўра, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими барқарор фаолият юритиши учун пенсия таъминоти тизимига суғурта бадали тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 4:1 даражада бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади” (МОТ, 1952). Аммо, мазкур кўрсаткич жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларида ҳам иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатлардаги каби тавсия этилганидан бирмунча ёмонроқдир. Бу кўрсаткичнинг ҳолатига умумий ҳолда меҳнатга лаёқатли аҳолининг пенсия таъминотига қамраб олиниш даражасининг пастлиги, бу ҳолат мамлакатдаги иқтисодий вазият ёмонлашган, ишсизлик даражаси ортган, натижада пенсия тизимида қатнашувчилар сони камайган ҳолатларда юзага келади ва бундай ҳолатнинг узоқ муддат сурункали давом этиши пенсия тизимида инқирозларни келтириб чиқаради.

Пенсия олиш учун талаб этиладиган меҳнат (суғурта) стажини ошириш ва жамғармаларга тушумларни кўпайтириш мақсадида кенг қамровли пенсия тизимига эга давлатлар пенсия таъминоти шартлари ва меъёрларига ўзгартиришлар киритилмоқда, пенсия ёши узайтирилиб, янги пенсия механизмлари жорий этилмоқда: баллик, жамғарилувчи, шартли жамғариладиган, танланган иқтисодий-демографик кўрсаткичларнинг ўзгаришига қараб параметрларга автоматик тузатиш киритилувчи ва ҳоказо. “Европа Иттифоқидаги давлатларда пенсия ёши ўртача эркаклар учун 62,6 ёш, аёллар учун эса 61,9 йилни ташкил этади, пенсия ёшидан кейинги ўртача умр давомийлиги эса мос равишда 19,5 ва 24 йилга тенг. Франция ва Испания давлатларида ўртача умр давомийлиги юқори бўлиб, бунда эркаклар учун 23 йил, аёллар учун эса 27 йилдан ортиқдир” (Pension at a glance, 2021).

Демографик ўзгаришлар дунё пенсия тизимлари олдида пенсия тўловларини амалга оширишда адолат ва адекватлик тамойилларига амал қилиш, пенсия тизимларидаги барқарорлик ва авлодлараро тенгликка амал қилишда мураккаб вазиятларни қўймоқда.

Халқаро валюта фонди экспертлари хулосасига кўра авлодлараро нотенгликни қисқартириш ва пенсия тизимларидаги узоқ муддатли барқарорликка эришиш зарурияти бугунги куннинг актуал муаммоларидандир, чунки иқтисодий ривожланган давлатлардаги пенсионерлар учун тўланаётган пенсияларнинг реал миқдори улар тўлаб борган суғурта бадалларидан деярли икки баробар кўпдир.

“Сўнгги 10 йилликда пенсия тизимларидаги ислохотлар асосан, ушбу номутаносибликни 1,5 баробар камайтиришга ва тўланадиган суғурта бадаллари ва пенсия қийматини нисбатан тенглаштиришга қаратилган эди, бунинг натижасида 2040 йилларга бориб пенсияга чиқувчилар пенсияси ушбу меъёрлаштирилган миқдорда бўлиши режалаштирилган эди. Афсуски,

катор давлатлардаги ушбу ислохотларнинг кечиктирилиши ёки аввалги меъёрий тартибга қайтилиши, қоидаларнинг ўзгартирилиши натижасида белгиланган 1,5 баробар кўрсаткич эндиликда пенсияга чикувчилар учун 1,7 баробарга кўтарилиши кутилмоқда” (Foueijen, 2021).

Пенсия тизимини аниқ баҳолашда бир қанча усуллардан фойдаланилади. “Пенсия тизимини аниқ ҳолатини баҳолаш учун бошланғич пенсия рискларини актуар баҳолаш зарур ҳисобланади. Бу эса пенсия тизимини тартибга солиш ва бошқаришга имкон беради” (Турсунов, 2022).

Шунингдек, пенсия таъминоти тизимида актуар адолат деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, актуар адолат бу – инсон меҳнат фаолияти жараёнида тўлаб борган суғурта бадалларининг пенсияга чиққандан умрининг сўнгига қадар оладиган пенсия миқдorigа нисбатан тенг қийматда бўлишидир. Авлодлараро тенглик турли авлодларнинг пенсия ва суғурта бадалларидаги доимий баланс ушлаб турилгандагина таъминланади. Актуар адолатли тизим ҳеч қандай авлодлараро қайта тақсимлашни назарда тутмайди, шунинг учун ҳам у авлодлараро тенглик тизимидир.

Авлодлараро тенглик тизимида меҳнат бозорига чиқаётган ишчи кучи (меҳнат ресурслари)нинг олий маълумотли бўлиши муҳим ҳисобланади ва бу кўрсаткич бугунги кунда юқоридир. Масалан, ИХТТ давлатларида 25 дан 34 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида олий маълумотли бўлган инсонларнинг улуши 45% ни ташкил этади, 55-64 ёш чегарасидаги ходимлар ўртасида эса ушбу кўрсаткич 28% атрофидадир. Сўнгги йилларда, аҳоли маълумоти даражаси ортиб бориши билан кечроқ пенсияга чиқиш тенденцияси кузатилмоқда, чунки олий маълумотли фуқаро фаолиятини ўрта маълумотли инсонга нисбатан кейинроқ бошлайди, аммо, кексаликда ҳам давом эттириши қулай бўлган фаолият соҳасини танлашга ҳаракат қилади.

Аҳоли умр кўриши давомийлигига мос равишда пенсия ёшининг ва пенсия таъминотидаги кўрсаткичларни ўзгартирилиши пенсия тизимининг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи ҳамда авлодлараро тенгликни шакллантирувчи омилдир. Ушбу механизм жамғариб бориладиган ва шартли жамғариб бориладиган пенсия тизими доирасига киритилган, шу билан бирга, ўз амалиётида ҳам жамғариб бориладиган, ҳам тақсимловчи (аралаш) пенсия тизимини қўлловчи мамлакатлар ўртача умр кўриш ёшининг ошганлиги сабабли пенсия ёшини 65 ёш этиб белгиламоқдалар (алоҳида ҳоллардагина пенсия ёши 60 ёки 62 ёшдир). Ушбу механизмлар тақсимланиш нуқтаи - назаридан нейтрал кўринсада, амалиётда эса регрессивлик касб этади, чунки кам даромадга эга бўлган пенсионерларнинг ўртача умр кўриш ёши ҳамда пенсия тўлов даври нисбатан қисқа бўлади. “Тараққий этган давлатларда кам даромад топувчи квинтил гуруҳга мансуб пенсионерларнинг ўртача умр

кўриш ёши даромади юқори бўлган пенсионерларга нисбатан 3 йил кам бўлиб, олаётган пенсияларининг миқдори ҳам 13 фоизга камдир” (Pension at a glance, 2021). Агарда турли иқтисодий - ижтимоий гуруҳлар ўртасида ўртача умр кўриш ёши ўртасидаги фарқ ортиб борса, у ҳолда пенсия ёшининг ўртача умр кўриш ёши билан боғлиқлиги натижасида тенглик таъминланиши шубҳа остида қолади.

Шунингдек, пенсия тизимида яна бир муҳим кўрсаткич мавжуд бўлиб, бунда шахс меҳнат қилиши натижасида олган иш ҳақининг пенсия ёшига етганидан сўнг пенсия билан қанча қисмини қоплашини назарда тутилади. Қоплаш коэффиценти ўртача иш ҳақига эга бўлган ходимнинг пенсия тайинлангандан кейин 1 йил давомида оладиган пенсиясининг аввалги олган иш ҳақининг тахминий миқдorigа нисбатини белгилаши мумкин. Европа давлатларида қоплаш коэффиценти ўртача 70 фоиз атрофида бўлиб, Литвада 20 фоиз оралиғидадир. Бундан келиб чиқадики, нисбатан кам иш ҳақи олиб ишлаган ходим ҳам тақсимлаш механизми доирасида юқори қоплаш коэффиценти билан пенсияга чиқиши мумкин, лекин бу ҳол умумий тартибда эмас.

“Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан белгиланган ва тавсиявий характерга эга бўлган ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрларида ёшга доир пенсия учун белгиланган қоплаш коэффиценти 40 фоиздан кам бўлмаслиги келтирилган. Аммо, Ўзбекистонда қоплаш коэффиценти 40 фоизга етиб бормаяпти. Бу эса тизимда ислохотларни амалга ошириш, жумладан пенсия миқдорини индексациялаш зарурияти борлигини кўрсатади” (Турсунов, 2022).

Қоплаш коэффиценти суғурта стажига боғлиқ бўлиб, агарда суғурта стажи қисқарса қоплаш коэффиценти ҳам мос равишда пасаяди, масалан, 20 йиллик иш стажига эга бўлган пенсионернинг ўртача пенсия миқдори ўртача иш ҳақининг 20 -40 фоизини ташкил этади.

Пенсия тизимини молиялаштиришда мажбурий пенсия суғурта бадаллари муҳим ҳисобланиб, бир томондан пенсия учун меҳнат (суғурта) стажини ҳисобга олишни назарда тутса, иккинчи томондан пенсия таъминотини молиялаштиришнинг асосий манбаси сифатида қараш мумкин. Пенсия учун суғурта бадаллари баъзи давлатларда ижтимоий бадаллар таркибига киритилган (Испания, Буюк Британия), баъзиларида эса солиқ тўловларига тенглаштирилган (Австралия, Канада). Пенсия бадалларининг энг юқори даражаси Италияда бўлиб, ходимни иш ҳақисининг 33 фоизини ташкил этади, пенсия бадалларининг энг кам миқдори эса Литвада қайд этилган бўлиб, у ерда ишчилар иш ҳақидан пенсия учун 8,7 фоиз бадал тўлайдилар.

Бугунги кунда “Европа давлатлари ЯИМнинг 13-15 фоизини (дунё давлатлари орасида энг юқори) давлат пенсияларини молиялаштиришга сарфлайдилар, ЯИМнинг давлат пенсиялари учун энг кам қисмини яъни, 3 фоиздан камроғини Лотин Америкаси давлатлари (Чили, Мексика) ва Исландия сарфлайди, негаки бу давлатлар пенсия тизимининг асосий қисмини хусусий, профессионал (корпоратив ёки индивидуал) пенсия тизимлари ташкил этади. Нодавлат пенсия суғурта тизими энг юқори ривожланган давлатлар Нидерландия, Канада, Буюк Британия каби давлатлар ҳисобланиб, ЯИМнинг 5 фоизидан ошади” (Pension at a glance, 2021).

1-жадвал

Мажбурий давлат суғурта тизимида пенсия суғурта бадаллари (иш ҳақидан % миқдорида, 2020 йил) (Pension at a glance, 2021)

Мамлакат	Ходим	Иш Берувчи	Жами
Австрия	10,25	12,55	22,8
Бельгия	7,5	8,9	16,4
Германия	9,3	9,3	18,6
Италия	9,19	23,81	33
Канада	5,25	5,25	10,5
Литва	8,7	-	8,7
Польша	9,8	9,8	19,6
США	5,3	5,3	10,6
Финляндия	7,15	15,2	22,4
Франция	11,3	16,5	27,8
Япония	9,15	9,15	18,3

“Халқаро валюта фонди (ХВФ) экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, пенсия ислохотлари натижасида 2050 йилга бориб баъзи бир мамлакатлар (Финляндия, Франция) пенсияларни молиялаштириш учун давлат харажатларини ЯИМнинг 0,4-1,5 фоизгача қисқартиради, бошқа давлатлар (Чехия, Испания, Германия) эса ЯИМнинг 0,7-3,3 фоизгача оширади” (Fouejien, 2021).

Жаҳонда пенсия ислохотлари турлича мақсадларда амалга оширилади. “Ривожланган давлатларнинг пенсия ислохотларидан асосий мақсад, молиявий барқарорлик ва пенсиянинг миқдори билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги баланс тенглигига эришиш бўлса, ривожланаётган кўпгина

давлатлар учун асосий мақсад – ишлаётган аҳолининг пенсия суғуртаси орқали қамровни ошириш ва пенсия дастурларини молиялаштириш манбаларини кенгайтиришдир. Агар қамров коэффициенти Шимолий Америка ва Европа давлатларида иқтисодий фаол аҳолининг 95 ва 88 фоизи қамраб олинган бўлса, Лотин Америкаси давлатларида норасмий бандлик (яширин иқтисодиёт) даражасининг юқори эканлиги ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми ҳамон моддий эҳтиёжмандлиги сабабли ушбу кўрсаткич ХМТ маълумотларига кўра, 47 фоизни ташкил этади, Жанубий Осиё мамлакатларида эса 26 фоиздир” (ILO, 2021).

Пенсия ислохотларини амалга оширишда демографик ўзгаришларни ҳисобга олиб, пенсия ёшини ва пенсия суғуртасига шахсларнинг қизиқишини ошириш учун жамғариш хусусиятига эга бўлган пенсия дастурларини ишлаб чиқиш бугунги ўзгаришлар шароитида муҳим мақсадлардан ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги демографик ўзгаришлар шароитида жаҳонда амалга оширилаётган пенсия ислохотларининг асосий мақсади энг аввало ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини камбағалликдан ҳимоя қилиш, кексаликда, пенсия ёшига етганда муносиб турмуш фаолиятини таъминлаш учун кафолатланган ва етарли миқдорда пенсия тўлаш, ўртача умр кўриш ёшининг ошишини ҳисобга олиб пенсия учун талаб этиладиган меҳнат (суғурта) стажи ва пенсия ёшини ошириш, шунингдек, бошқа масалалар ҳам ётади. Келажакда демографик ўзгаришларнинг пенсия тизимига таъсирини олдини олишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- нодавлат пенсия фондларини жорий қилиш, шунингдек, тиббий суғуртани ривожлантириш орқали аҳолининг кекса қатлами эҳтиёжларини давлат ҳисобидан эмас, аксинча, уларни ўзларининг жамғарилган активлари ёки даромадлари ҳисобидан амалга оширишларини таъминлаш;

- “авлодлар бирдамлиги” тамойили асосида фаолият кўрсатадиган пенсия тизимидан мажбурий ва ихтиёрий суғурта бадалига асосланган, ҳар бир шахс ўзи учун пенсия жамғариб бориш тизими асосида пенсия тизимига ўтиш;

- мажбурий суғурта бадалларини жорий этиш орқали, шунингдек, пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган меҳнат стажини ошириш натижасида меҳнат фаолияти жараёнида тўлаб борган суғурта бадалларининг пенсияга чиққандан умрининг сўнгига қадар оладиган пенсия миқдorigа тенглаштириш яъни актуар адолатни таъминлаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони.

Турсунов Ж.П. Рақамли иқтисодиёт даврида пенсия таъминоти тизимидаги ислохотлар. “Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2022 йил 23 декабр. 167-169 бетлар.

Tetlow G. Essays on the economics of retirement and pensions. A dissertation submitted in partial fulfilment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy of University College London. – England: Department of Economics University College London. 2015. – 224 p.

Börsch-Supan, A. and C. Coile (2018). “Social Security Programs and Retirement Around the World: Reforms and Retirement Incentives – Introduction and Summary”, NBER Working Paper 25280, Cambridge, MA.

Diamond P. Economic Theory and Tax and Pension Policies // Economic Record. 2011. Vol. 87, Issue 1. P. 2-22.

Ражабов Ш.У. “Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари” мавзусида Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2021 йил. 71 бет.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган.

International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights. Adopted and opened for signature, ratification and accession by General Assembly resolution 2200A (XXI) of 16 December 1966.

<http://www.macrotrends.net/countries/WLD/World/life-expectancy>>World (дата обращения 05.04.2022).

Pension at a glance 2021. OECD and G20 indicators (2021): OECD — Paris: OECD Publishing. <https://doi.org/10.1787/ca401ebd-en>

Whitehouse R., Whiteford P. (2006). Pension challenges and pension reforms in OECD countries // Oxford Review of economic policy. Vol. 22. No.1. Pp.78-94
www.researchgate.net/publication/5216321_Pension_Challenges_and_Pension_Reforms_in_OECD_Countries

Cylus J., Figuera J., Normand Ch. (2019). Will population ageing spell the end of the welfare state? A review of evidence and policy option. — Copenhagen: WHO Regional office for Europe.

Конвенция N-102 Международной организации труда «О минимальных нормах социального обеспечения». Статья 67. (Заключено в г. Женева 28.06.1952). Приложение к разделу XI периодические выплаты типовому бенефициарию. – С. 21.

Fouejien A., Kangur A., Martinez S.-R., Soto M. (2021). Pension reforms in Europa. How far have we come and gone? // IMF 2021/016.

Турсунов Ж. Пенсия рискларини актуар баҳолашнинг назарий ва амалий аҳамияти. International Journal of Finance and Digitalization. Vol. 1 Issue 02, 2022. www.ijfd.uz. 10 бет.

Турсунов Ж.П. Пенсия тўловларини индексациялашнинг хориж тажрибаси. Молия ва банк иши журнали. 3 (2022), 14-18.

Social protection at the crossroads –in pursuit of a better future (2021): World Social Protection report. 2020–2022 / ILO. — Geneva: ILO.